
АВСТРИЯДАН ЗОТДОР ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ ОЛИБ КЕЛИНДИ

„И.Икром ота“ фермер хўжалиги кўп тармоқли. Йил бошига 32 бош жайдари йирик шоҳли моли, 2 мингта қўйи бор эди. Утган йил охирида хўжаликка яқин молхона биниси сотиб олинди. Хўжалик раҳбари Анваржон Исмоилов чорвачиликни ривожлантириш мақсадида март ойида Австрия давлатидан 33 бош „Гольштейн“ ғунажинларини 1миллиард 12 миллион сўмга сотиб олди. Сут йўналишидаги бу чорва ҳайвонлари тадбиркорни қизиқтириб қўйди. Куни- кеча Австриядан яна 66 бош ана шундай ғунажинларни олиб келди. Бунинг учун 1,5 миллиард банк кредити ва 301 миллион ўз сармоясини қўшди.

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов тадбиркор фермасида бўлди. Жараёнлар билан танишди. Тадбиркорнинг ишига ривож тилади.

Фермани ободонлаштириш бўйича маслаҳатлар берди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

2021-05-04 11:41:08